



## بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي قَالَ: "الْفِتْنَةُ اَشَدُّ مِنَ الْقَتْلِ"، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلٰى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ الَّذِي قَالَ: "سَتَكُوْنُ فِتْنٌ الْقَاعِدُ فِيْهَا خَيْرٌ مِنَ الْقَائِمِ"، وَعَلٰى آلِهِ وَصَحْبِهِ اَجْمَعِيْنَ، اَمَّا بَعْدُ.

### МУСУЛМОНЛАР ФИТНАЛАРДАН САҚЛАНИШИ ЛОЗИМ

**Ҳурматли жамоат!** Динимизда инсоф-диёнат, ўзаро тотувлик, жамиятдаги бирдамлик ва меҳр-муҳаббат каби хислатлар кадрланади. Чунки тинчлик-тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик бўлган жамият ривожланади, гуллаб-яшнайди. Одамлар орасида фитна ва ихтилоф чиқариш, бир-бирига қарши гиж-гижлаш, уларни тўғри йўлдан адаштиришга ҳаракат қилиш қаттиқ қораланади.

Тинчликни фаровонлик ва тараққиётнинг бош мезони деб билган ҳар қандай давлат жамиятда фитна оралашига қаршилиқ қилади, бунга йўл қўймайди, фитначилар билан ҳеч қачон мурасага бормади. Инсоният тарихининг илк кунлариданоқ ҳолат шу. Душман қаерни эгалламоқчи бўлса, қайси заминнинг бойликларини таламоқчи, халқини кул қилмоқчи бўлса, албатта ўша ерда фитна уруғини экишга ҳаракат қилган, маҳаллий фитначиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган.

Бунга тарихдан мисол келтирсак! Мадина шаҳрида яшаган Авс ва Ҳазраж қабилалари доим бир-бири билан адоват қиларди. Ислом келганидан кейин улар дўст-биродар бўлиб яшай бошладилар. Уларнинг бу дўстлигини кўра олмаганлар уларга қизғин жанг бўлган “Буос” кунини эслатди. Ўша кунги жанглар, қаҳрамонликлардан бошланган гап, низога айланиб, охири икки қабила ўзаро жанг қилишмоқчи бўлишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бу воқеанинг хабари етгач, асҳоблари ҳамроҳлигида улар ёнига чиқиб бордилар. Тўпланиб туришган жойга етиб боргач:

**“Эй мусулмонлар жамоаси! Аллоҳдан кўрқсангиз бўлмайдими?! Мен ҳали орангизда бўла туриб сизлар жоҳилият чақириқларига чорлайсизми?! Аллоҳ сизларни Исломга ҳидоятлаб қўйганидан ва у билан сизларни мукаррам қилганидан, у сабабли сизлардан барча жоҳилият ишларини узиб ташлаганидан, у сабабли сизларни куфрдан қутқариб, дилларингизни бир-бирига ошно қилганидан сўнг-а?!”,** дедилар. Шундагина қавм ўзларига келиб, душман макрига алданиб қолганликларини англаб етдилар, иккала қабила аъзолари кучоқлашиб, бир-бирларидан кечирим сўрадилар (“*Ас-Сийратун набавия*” китобидан).

“Фитна” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, луғатда “синаш”, “имтиҳон қилиш”, “оловда тоблаш” маъноларини билдиради.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда эса “фитна” сўзи бир неча маъноларда келган. Масалан, “синов, имтиҳон”, “ҳақ йўлдан тўсиш”, “оловда азоблаш”, “ширк, куфр келтириш”, “ботилни ҳақ қилиб кўрсатиш”, “залолатга кетказиш”, “одамларни қатл қилиш ва асир олиш”, “одамлар ўртасидаги келишмовчилик” маъноларини учратиш мумкин.

Ҳозирги кунда мусулмонлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, уларни бир-бирига гиж-гижлаш, мусулмон юртларда уруш чиқариб, одамларни қатл ва қувғин қилиш ҳам катта фитна ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

وَالْفِتْنَةُ أَكْبَرُ مِنَ الْقَتْلِ

яъни: “**Фитна эса қотилликдан ҳам каттароқ (гуноҳ)дир**” (Бақара сураси, 217-оят).

Диний манбаларда фитнанинг одам ўлдиришдан ҳам ёмонроқ деб ҳисобланиши унинг хатарлари бир кишининг ўлдирилишидан кўра анча кенг кўламга эга эканлиги билан изоҳланади. Албатта, мол илинжида, ғазаб сабабли ёки бошқа ҳар қандай омил туфайли бир жоннинг ҳаётига нуқта қўйиш катта жиноят. Бироқ, жамият аъзолари орасида фитна чиқариш одамларни бир-бирларига қарши қайраш, низо чиқариш орқали биродаркушлик урушларига, бутун бошли миллатни тараққиётда ўнлаб йиллар ортга суриб юборувчи вайронагарчиликларга сабаб бўлишини инобатга олсак, жамият учун бундан ҳам катта талофат бўлмаслигини англаймиз.

Фитнанинг энг кўп ишлатиладиган маъноси бузғунчилик, фисқу-фасод қўзғаш, жамиятда турли асоссиз миш-мишлар тарқатиш, халқни ўз давлатига қарши қўйишдир. Фитнанинг ёмон томони шундаки, кўпчилик унинг асл моҳиятини англамайди. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَا تَذْهَبُ الدُّنْيَا حَتَّى يَأْتِيَ عَلَى النَّاسِ يَوْمٌ لَا يُدْرِي الْقَاتِلُ فِيْمَ قَتَلَ، وَلَا الْمَقْتُولُ فِيْمَ قُتِلَ،

فَقِيلَ: كَيْفَ يَكُونُ ذَلِكَ؟ قَالَ: الْهَرَجُ، الْقَاتِلُ وَالْمَقْتُولُ فِي النَّارِ (رواه الامام مسلم عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: “**Жоним кўлида бўлган зотга қасамки, бу дунё, токи қотил нима учун ўлдираётганини, мақтул нима учун ўлдирилаётганини билмайдиган кун келмагунча, йўқ бўлмайди**”. “Бу қандай рўй беради?” – дейилди. “**Ҳарж** (фитна аралашган уруш бўлади), **ўлдирган ҳам, ўлдирилган ҳам дўзахда!**” – дедилар (Имом Муслим ривояти).

Афсуски, дунёдаги нотинч ҳудудлар ҳақида фикр қилган киши бу ҳудудлар аксар ҳолларда мусулмон диёрлари эканини англайди. Маълумотларга кўра, ўтган йилларда терроризм балосидан энг кўп азият чеккан дунёнинг 10 та мамлакатидан 8 таси мусулмон диёрлар экани аниқланган. Бу ерларда мусулмон мусулмоннинг қонини тўкмоқда, ўлдирмоқда. Ўлдираётган нима учун ўлдирмоқда, ўлдирилган нима учун қатл қилингани сўралса, тайинли жавоб йўқ, ҳеч бири билмайди.

“Жиход”, “Ислом давлати қуриш” каби ниқоблардаги урушлар, хунрезликлар қанчадан-қанча одамларни ўз домига тортиб кетди. Ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган кишилар бундай ҳолларда чет элдаги гумашталарининг “фатво”лари билан фитнани оқламоқчи бўладилар.

Мусулмонларнинг бошига турли кулфатларни ёғдирган “ИШИД” террорчи ташкилоти ҳам замонамизнинг ана шундай фитналаридан биридир. Бинобарин, бу машъум ташкилот сабаб 13 миллиондан ошиқ тинч аҳоли ўз уйини ташлаб, қочокликка маҳкум бўлди. Миллионлаб ёшлар мактабга боролмай қолди. Қанчадан-қанча аёллар бева, норасида гўдаклар эса етим қолди. Обод юртлар хонавайрон бўлди... Фикр, мушоҳада қилган киши борки, бу фитналар мусулмонлар бошига фақат кулфат ва аччиқ азоб келтиришини англаб етади. Шундан кейин ҳам баъзи ёшларнинг “жиҳод” қиламан деб, ўзини олов домига ташлаши, мусулмонларга қарши қурол кўтаришини қандай тушуниш мумкин?!

Абу Идрис ал-Хавалоний Ҳузайфа ибн ал-Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “... жаҳаннам дарвозасига даъват қилувчилар пайдо бўлади, кимки уларнинг даъватига жавоб қилса, уни жаҳаннам қаърига улоқтирадилар”, - дедилар. Мен: “Эй, Аллоҳнинг Расули, ўша кишиларни бизга тавсифлаб беринг!” - дедим. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Улар ўз уругимиздан бўлиб, бизнинг тилимизда сўйлайдилар”, - дедилар. Мен: “Агар мен ўша даврда ҳаёт бўлсам, нима қилишимни буюрасиз?” - дедим. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Мусулмонлар жамоасидан айрилмагин, уларнинг имомларига эргашгин!”, - дедилар. Мен: “Башарти, ўша замонда на мусулмонлар жамоаси на имомлари бўлмаса-чи?” - дедим. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Гарчи дарахт томирини кемириб кун кўришингга тўғри келса ҳам сени сабр қилишга даъват қилувчи Аллоҳни қалбингга маҳкам тугиб олгинда, ўла-ўлгунингча ўша замон фитначиларидан йироқ бўлгин!” - деб айтдилар (Имом Бухорий ривояти).*

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам яна шундай марҳамат қилганлар: *“سَتَكُونُ فِتْنٌ الْقَاعِدُ فِيهَا خَيْرٌ مِنَ الْقَائِمِ وَالْقَائِمُ فِيهَا خَيْرٌ مِنَ الْمَاشِي وَالْمَاشِي فِيهَا خَيْرٌ مِنَ السَّاعِي وَمَنْ يُشْرِفْ لَهَا تَسْتَشْرِفُهُ وَمَنْ وَجَدَ مَلْجَأً أَوْ مَعَاذًا فَلْيُعِذْ بِهِ”* (رواه الامام البخاري عن ابي هريرة رضي الله عنه).

яъни: *“Албатта, келажакда кўп фитналар бўлади. У вақтда (жсим) ўтирувчи тик турувчидан яхши, тик турувчи (фитнага қараб) юрувчидан яхши, юрувчи югурувчидан яхшидир. Ким фитнани кузатиб турса, фитна уни ўзига жалб қилади. Демак, ким бошпана ёки паноҳ бўладиган жой топса, ўшани лозим тутсин!”* – дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Диккат қилинса, фитна ҳақидаги ҳадисларда унга аралашмаслик, ўзини четга олиш тавсия қилинади. Ҳадиси шарифдаги *“Ким фитнани кузатиб турса, фитна уни ўзига тортади”* жумласининг тасдиғини ҳам ҳаётда кўрдик. “ИШИД” террорчи ташкилоти ёки жиҳодий жамоалар даъватчиларининг тарғиботини мунтазам эшитиб юрган кўпчилик ёшлар, минг афсуски, унинг тўрига илиниб қолдилар.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси фитна урчимаслигига ҳаракат қилиши, фитначиларнинг кирдикорларига қарши туриши керак. Имом Доримий ривоят қиладилар: Субайғ ал-Ироқий номли бир киши мусулмон аскарлар орасида Қуръондаги турли нарсалардан сўраб, аскарлар орасида фитна кўзгаб юрарди. У Мисрга келганида Миср ҳокими Амр ибн Ос уни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга юборди. Умар розияллоҳу анҳу Субайғдан *“Одамлардан нималар ҳақида сўрайсан?”* – деди. У айтиб берди. Сўнг Умар ибн Хаттоб

хурмо шохини келтириб, Субайғнинг орқасига яра бўлгунча урдирди. Яраси битгач яна урдирди. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Шунда Субайғ: “Эй мўминларнинг амири, агар мени ўлдирмоқчи бўлсангиз, чиройли қилиб ўлдилинг. Агар таъзир бермоқчи бўлсангиз, ақлим кирди”, - деди. Умар ибн Хаттоб Субайғни ўз юртига жўнатиб юборди ва ўша юрт волийсига ҳеч ким у билан суҳбатлашмаслигини қаттиқ тайинлади. Субайғ авваллари ўз қавмининг саййиди эди. Бу воқеадан кейин эса ҳақир бўлди. Сабаби, у Қуръондаги баъзи оятлардан ихтилофли масала чиқаришга уринар эди.

Кўриниб турганидек, ҳазрати Умардек зот фитна урчимаслиги учун одамлар орасида фитна-фасод кўзғайдиган кимсаларга қарши мана шундай қаттиқ чораларни кўрган эдилар.

Яна бир катта фитна мусулмонлар орасида эътиқодий ва фикҳий масалаларда ихтилофлар чиқаришдир. Қуръони каримда баъзи кишилар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига кўра маъно бериш учун муташобеҳ оятларни ўзларига дастак қилиб олиши хабар берилади. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

فَأَمَّا الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ زَيْغٌ فَيَتَّبِعُونَ مَا تَشَابَهَ مِنْهُ ابْتِغَاءَ الْفِتْنَةِ وَابْتِغَاءَ تَأْوِيلِهِ وَمَا يَعْلَمُ تَأْوِيلَهُ إِلَّا اللَّهُ...

яъни: “Аммо дилларида оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Қуръоннинг) муташобеҳ оятларига эргашадилар. Холбуки, ундай оятлар таъвилини (асл маъносини) фақат Аллоҳнинг Ўзигина билур...” (Оли Имрон сураси, 7-оят).

Ҳозирги кунимизда ҳам одамлар орасига турли ихтилоф уруғларни сочаётган кишилар асосан муташобеҳ оятларни ўзларига далил қиладилар. Минг йиллардан бери амал қилинаётган мазҳабларни ташлаб, мазҳабсизликка даъват этадилар.

Бундай фитнадан сақланишнинг йўли, ислом уммати қабул қилган, тўғрилигига ижмо қилган фикҳий мазҳабларга амал қилишдир. Фирқаланишни кўйиб, иттифоқ бўлишга қизиқтирувчи далиллар жуда кўп. Ихтилоф чиққанда кўпчиликка эргашиб тўғрисида Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан шундай буйруқ келган:

فَإِذَا رَأَيْتُمْ إِخْتِلَافًا فَعَلَيْكُمْ بِالسَّوَادِ الْأَعْظَمِ (رواه الامام ابن ماجه عن أنس بن مالك رضي الله عنه)

яъни: “**Қачон ихтилофни кўрсангиз, катта жамоатни маҳкам тутинглар**” (Имом Ибн Можа ривояти).

“Катта жамоат”дан мурод тўрт фикҳий мазҳабга амал қиладиган ва кўпчиликни ташкил қиладиган мусулмонлардир. Ихтилоф чиққанда уларнинг йўлидан юриш керак бўлади. Ибн Аббосдан ривоят қилинади, Умар разияллоху анху хутбаларида шундай деганлар:

عَلَيْكُمْ بِالْجَمَاعَةِ وَإِيَّاكُمْ وَالْفِرْقَةَ، فَإِنَّ الشَّيْطَانَ مَعَ الْوَاحِدِ، وَهُوَ مِنَ الْإِنْتِنِ أْبَعْدُ

яъни: “**Жамоатни маҳкам тутинглар, фирқаланишдан сақланинглар. Чунки шайтон бир киши билан бирга бўлади. Икки кишидан эса узоқроқда бўлади**”.

Ихтилоф ва фитнадан қочишнинг яна бир чораси, билмаган нарсаларини ишончли, мазҳабни маҳкам тутган аҳли сунна олимларидан сўраб олишдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

...فَإِنَّمَا شِفَاءُ الْعِيِّ السُّؤَالُ... (رواه الامام ابو داود عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ)

яъни: “...**Билимсизликнинг давоси сўрашдир**”, – дедилар.

Фитналар домига тушиб қолмаслиги учун ёшларимиз биринчи навбатда дўст билан душманнинг фаркига боришлари керак. Ким бизга тўғри маслаҳат беради, хато-камчиликларимизни тўғрилайди-ю, кимлар бизнинг қоқилишимизни пойлайди. Ўзини дўстдек тутиб, фурсат келганда орқадан пичоқ уради? Бунинг фаркига бориш лозим.

Яна ҳар кимнинг гапини ҳақиқат деб эргашиб кетавермаслик керак. Бирор янгиликни ўқиганда, унинг манбасини яхшилаб текшириш, бу қанчалик ҳақиқат экани, у кимнинг фойдасига хизмат қилишини аниқлаш даркор. Баъзан ёшларимиз ижтимоий тармоқ сайтларида эълон қилинган ёлғон-яшиқ маълумотларни ҳам бошқаларга тарқатадилар, уни муҳокамага қўйиб, одамларни чалғитадилар. Бу эса динимизда қаттиқ қораланган амалдир. Имом Муслимдан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилдилар:

مَنْ دَعَا إِلَى هُدًى كَانَ لَهُ مِنَ الْأَجْرِ مِثْلُ أُجُورِ مَنْ تَبِعَهُ لَا يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ أُجُورِهِمْ شَيْئًا، وَمَنْ دَعَا إِلَى ضَلَالَةٍ كَانَ

عَلَيْهِ مِنَ الْإِثْمِ مِثْلُ آثَامِ مَنْ تَبِعَهُ لَا يَنْقُصُ ذَلِكَ مِنْ آثَامِهِمْ شَيْئًا (رواه الإمام مسلم عن أبي هريرة رَضِيَ اللهُ عَنْهُ)

яъни: “**Ким ҳидоятга чақирса, унга (ўз ажри билан бирга) эргашувчиларнинг ажрича ажр бўлади, бу нарса эргашувчиларнинг савобини камайтирмайди. Ким залолатга чақирса, унга (ўз гуноҳи билан бирга) эргашувчиларнинг гуноҳича гуноҳ бўлади, бу нарса эргашувчиларнинг гуноҳини камайтирмайди**”.

Фитналар қаршисида ҳар кимнинг асл қиёфаси фош бўлади. Ҳақиқий ватанпарвар, имонли кишилар кимлар-у, хоин-худбинлар ким - ҳаммаси аниқ бўлади.

Яқин тарихимизда, юртимиз мустақилликни энди қўлга киритган йилларда ёш давлатимизга нисбатан турли фитналар уюштирилди. Сир эмаски, ўша фитналарга аралашганлар, тинчлик-осойишталигимизни бузиб, ғаразли мақсадлар йўлида ҳаракат қилганлар жазога тортилди. Лекин давлатимиз доим кечиримлилик йўлини тутиб келди. Айниқса, кейинги йилларда муҳтарам Юртбошимиз томонидан кетма-кет афвлар эълон қилинди. Минглаб кишилар оила аъзолари бағрига қайтиб, тинч-осуда ҳаёт кечирмоқда. Улар ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишлари учун ҳар томонлама ёрдам берилмоқда, иш билан таъминланмоқда, моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Зеро динимиз кечиримли бўлишга тарғиб қилади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

...فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاصْفَحْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

яъни: “...**Уларни афв этинг ва кечиринг! Албатта, Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади**” (Моида сураси, 13-оят).

Ўз навбатида, бундай инсонлар ҳам берилган имкониятларнинг шукронасини қилиб, жиноят йўлларида узок юришлари, оиласи, маҳалласи, Ватани хизматида камарбаста бўлишлари зарур.

Мусулмон ўлкалар, жумладан, бизнинг жонажон ватанимиздаги тараққиёт, бугунги ижобий ўзгаришлар кимларгадир ёқмаслиги ва улар бизни чалғитиш учун фитналар уюштириши табиий. Биз эса бу фитналарга алданмаслигимиз керак.

Фитналарнинг нечоғли зарарли, ёмон оқибатларга олиб келишини ҳаётда кўрдик. Бу хатони такрорлашга асло ҳаққимиз йўқ.

Халқ ичига фитна солмоқчи бўлганларга ҳар биримиз насиҳат қилиб, ўтган оғир кунларни эслатиб, бугунги тинч-хотиржам ҳаётимизга шукр қилишни тарғиб қилишимиз керак.

Тинчлик, саломатлик катта неъмат. Улар бор жойда ривожланиш, эркинлик бўлади. Ваҳоланки, шу кунларда ҳам фитна ўчоқларида қурбон бўлаётган, уй-жойсиз қолиб, қочоқ бўлиб юрган, урушдан қўрқиб, болаларини мактабга ҳам чиқармай қўйган миллионлаб инсонлар бор. Бу воқеаларни тафаккур қилган киши, аслида инсон ўз уйида хотиржам истироҳат олиши ҳам улкан неъмат эканини англайди.

Аллоҳ таоло фитна ва қийинчиликда қолган инсонларга ҳам хотиржамликни қайтарсин! Жонажон ўлкамизни турли хил фитна-фасод ва бало-офатлардан Ўз ҳифзу ҳимоясида сақласин, халқимизнинг тинч-хотиржам ва фаровон ҳаётини бардавом қилсин! Омин!

***Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси “ИСЛОМДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУШУНЧАСИ” мавзусида бўлади.***